

*Саломлашмоқ
одоблари ҳақидаги
қиссалар.*

Кириш сўзи

Ислом –инсонлар ўзаро аҳил,иноқ ва тотув ҳаёт кечирмоқлари учун уларнинг ўртасида улфатлик ва муҳаббатни ёймоққа ниҳоятда диққат-эътибор қаратган диндир.

Шунинг учун ҳам Аллоҳ таъоло Ислом саломини жорий қилди.

Ислом саломи – "Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ" – сўзларидан иборат бўлиб - Фаришталар ва Пайғамбарларнинг саломидир.

Бу салом ўзида - Раҳмат,барака ва яхшиликлар тилаб дуо қилмоқ маъносини касб этади.

Саломлашмоқ қалблар ўртасидаги муҳаббат элчисидир.

У биродарлик алоқаларини мустаҳкамлайди..., инсонлар орасида муҳаббатни ёяди. Мусулмонлар бир-бирларига танисалар ҳам, танимасалар ҳам салом бераверадилар.

Кичиклар катталарга,уловдагилар пиёда кетаётганларга ва озчилик кўпчиликка салом беради.

Ислом бизларни,мусулмон бўлмаганларга қандай салом бермоқ,ҳамда уларнинг саломларига қандай жавоб қайтармоқ одобларини ўргатиб,уларни даъват қилмоқда ҳикмат ва гўзал панд-насиҳат

йулини тутмоғимизни таълим берди. Саломни ёймоқ катта ажр-савоблар ҳосил қилмоқ йўли эканини мусулмонлар яхши биладилар.

Бу ҳақда Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар:

"Иймон эгаси бўлмагунингизча ҳаргиз жаннатга кира олмайсизлар. Бир-бирингизга муҳаббатли бўлмагунингизча ҳаргиз иймонли бўла олмайсизлар. Сизларни бир-бирингизга муҳаббатли бўлмагунингизга сабаб бўладиган бир ишга йўллаб қўяйинми-? Ўртангизда саломни ёйинглар!!!".

(Имом Муслим ривоятлари.)

Саломнинг савоби⁽¹⁾.

Кунларнинг бирида Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобалар билан ўтирган эдилар, бир киши келиб: "Ассаламу алайкум!" деб саломни комил суратда қилмасдан, ўтирди.

¹ Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: "Сизлардан биронтангиз бир даврага келса салом бериб келсин, энди шу даврадан туриб кетмоқчи бўлса ҳам салом бериб кетсин, чунки биринчи салом иккинчи саломдан ортиқ эмас." *Имом Абу Довуд, Имом Шермизий.*

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам саломига жавоб қайтардилар-да:

"Ўнта (савоб)"-дедилар. Кейин бошқа бир одам келиб: "Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳ!"- дедию (ва барокатуҳ демасдан) ўтирди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга ҳам жавоб қайтардилар-да: "Йигирмата (савоб)"-дедилар.

Кейин яна бошқа бир киши келиб: "Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ!"-деган эди. (У саломни тўлиқ қилганди, яъни бу-Исломдаги комил саломдир!) Мана шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Ўттизта (савоб)"-дедилар.

(Имом Абу Довуд)

Яъни саломни комил суратда бергани эвазига ўттиз савоб ҳосил қилди.

Бозордаги салом⁽¹⁾.

Икки улуғ саҳобий - Абдуллоҳ ибн Умар ва Туфайл ибн Каъб розияллоҳу анҳумалар бир-бирларини Аллоҳ учун яхши кўрадиган дўст

¹ Ҳадис : "Икки мусулмон рўбарў бўлганда қўл беришиб саломлашсалар, худди дарахт барглари тўкилганидек у иккисининг гуноҳлари тўкилади." *Имом Шабароний*

эдилар. Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу Туфайл розияллоҳу анҳунинг олдига бориб уни бозорга етаклади. Туфайл розияллоҳу анҳу эса Абдуллоҳ розияллоҳу анҳунинг бу ишидан доим ажабланарди.

Сабаби Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу бозорга на бирон нарса сотгани ва на сотиб олгани эмас, балки фақатгина бозордаги катта-ю кичик, бой-ю камбағал - мусулмонларга салом бермоқ учун борарди. Кунларнинг бирида одатдагидек Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу Туфайл розияллоҳу анҳудан бозорга бирга бормоғини сўраганида, Туфайл розияллоҳу анҳу: "Бозорга бормоққа бирон эҳтиёж йўқ-ку?-деди. Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу: "Биз бозорга фақат саломни фош қилмоқ учун борамиз! Кўрган-йўлиққан биродарларга салом бериб қайтамиз, Эй Туфайл!-деди. *Имом Молиқ ривояти.*

Салом бермоққа ошиқмоқ⁽¹⁾.

¹ Саломга алик олаётган киши, ундан-да гўзалроқ жавоб қайтармоғи лозимдир.

﴿ وَإِذَا حُيِّئْتُمْ بِهِ فَاَحْسِنُوا لَهُمْ مِنْهَا أَوْ رُدُّوهَا إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ حَسِيبًا ﴾ ﴿٨٦﴾ النساء: ٨٦

Аллоҳ таолонинг сўзи: "Қачон сизларга бирон ибора билан салом берилса, сизлар ундан чиройлироқ қилиб алик

Саҳобаларнинг ичида Ағор бин Ясор Ал-Музаний исмли саҳоба ҳам бор эди. Бир куни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ансорлардан бир кишига: “Ўзингдаги хурмодан Ағорга ҳам бериб юборгин” - деб амр қилдилар. Ансорий биродар Ағорга бермоғи керак бўлган хурмони бермоқни бир оз кечиктириб юборди. Ағор буни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга айтганиди, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуга: “Эй Абу Бакр! Сиз бирга бориб, Ағорга хурмосини олиб беринг!” - дедилар.

Абу Бакр розияллоҳу анҳу Ағор билан бомдод намозидан кейин кўришиб, бирга ансорий биродарнинг уйига бормоққа келишиб олдилар. Келишувга кўра намоздан сўнг кўришиб, йўлга чиқишди.

Йўлда, Абу Бакр розияллоҳу анҳу кимни кўрсалар аввал салом бермоққа шошилардилар, ҳатто бирон киши у зотдан аввал саломга улгура олмасди. Йўл йўлакай Сиддиқ розияллоҳу анҳу Ағорга насиҳат қилиб: “Эй Ағор! Агар қавмдан бирон киши сендан фазилатда ўтиб кетмоғини хоҳламасанг, сендан аввал биров салом бермасин!” - дедилар.

олинглар ёки (ҳеч бўлмаса) ўша иборани қайтаринглар...”
(Ҳисо: 86)

Шу кундан бошлаб Ағор розияллоху анху биринчи бўлиб салом бермоққа шошилар эдилар ва: "Агар биз бир кишини узоқдан кўриб қолсак, у бизга салом бериб қўймоғидан аввал биз унга салом бермоққа шошилардик"-дер эдилар. *Имом Шабароний*

Макрли салом⁽¹⁾.

Кунларнинг бирида яҳудийлардан бир жамоа Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: Ассому алайка (яъни, сизга ўлим ва ҳалокат бўлсин) деб лафзни ўзгартириб, макрли салом бердилар.

Росулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам уларга: "Ва алайкум" деб қўйдилар холос, бошқа сўз қўшмадилар.

¹Муҳаббатлашмоқнинг аввали саломдир. Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: "Иймон эгаси бўлмасангиз жаннатга кира олмайсиз, ўзаро муҳаббатли бўлмагунингизча иймонлик бўла олмайсиз. Сизларни ўзаро муҳаббат ҳосил қиладиган нарсага далолат қилайми? Ўртангизда саломни ёйинглар!". *Имом Муслим.*

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида Оиша розияллоҳу анҳо ҳам бор эдилар.

Оиша онамиз бундай макрли саломга чидаб туролмади, ғазабда: "Балки ўзингизга ўлим ва ҳалокат ҳамда лаънат бўлсин"-деб юбордилар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Эй Оиша! Аллоҳ таоло ҳар бир ишда мулойимликни яхши кўради"-деб, тинчланишга чақирдилар.

Оиша розияллоҳу анҳо: "Ахир нима айтганларини эшитмадингизми?"-дегандилар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Мен ҳам уларга "Ва алайкум"(яъни ниятингизда бўлган нарса ўзингизга бўлсин деб жавоб қайтарганимни эшитмадингизми?)-дедилар.

Имом Муслим .

Мактуб орқали салом йўлламоқ⁽¹⁾.

Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва

¹ Мусулмонлар аҳли китоблардан бўлган яҳуд ва насороларга: "Ҳидоятга эргашганларга Аллоҳнинг саломи бўлсин" ибораси билан салом беради.

саллам-ни бутун оламларга ҳидоят ва раҳмат қилиб юборди.

Макка фатҳидан кейин шариати - исломия Макка, Мадина ва буларга қўшни шаҳарларда қарор топгач, Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам бошқа давлатлар подшоҳу ва раисларини Ислом динига даъват қилмоққа диққат қаратиб, уларга мактублар юбордилар.

Хусусан Форс подшоҳи Кисрога йўллаган мактубларида қўйидагилар битилган эди. «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Аллоҳнинг элчиси Муҳаммаддан Форс ҳукмдори Кисро ибн Хурмузга - Ҳидоятга эргашган, Аллоҳ ва Расулига иймон келтириб, ягона ва шериксиз Аллоҳдан бошқа барҳақ маъбуд йўқ эканига ва Муҳаммад Унинг бандаси ва элчиси эканига гувоҳлик берган кишиларга салом бўлсин! Мен сизни Исломга даъват қиламан.

Зотан, мен тирикларни огоҳлантирмоқ ва кофирлар сўз (азоб)га лойиқ бўлмоқлари учун бутун инсониятга юборган Аллоҳнинг элчисиман. Исломни қабул қилинг, саломат қоласиз. Агар бош тортсангиз, бутун мажусийларнинг гуноҳи зиммангизда бўлади ».

Имом Ибн Исҳоқ .

Салом ва салавот⁽¹⁾.

Кунларнинг бирида бир-нечта муслмонлар улуғ саҳоба Саъд ибн Убода розияллоҳу анҳу-нинг уйларида жамланиб ўтирганларида, бирдан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам келиб қолдилар. Муслмонлар бундан бениҳоя шодландилар, қувончлари чексиз эди. Бу ерда ўтирган икки саҳобий Башир ибн Саъд ибн Убода розияллоҳу анҳумалар: "Эй Росулulloҳ! Аллоҳ таоло бизларни Сизга салавот ва салом айтмоққа амр қилган, Сизга қандай салавот йўллаймиз" - деб сўрадилар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир оз сукут қилдилар-да сўнг: "Аллоҳумма солли ала Муҳаммад ва ала Оли Муҳаммад кама соллайта ала Оли Иброҳийма ва баарик ала Муҳаммад ва ала Оли Муҳаммад кама баарокта ала Оли Иброҳийм иннака Ҳамийдум-Мажийд"-деб айтишлар, дедилар. *Имом Муслим.*

¹ Бу ердаги салавот, яхшилик билан дуо қилмоқ маъносидадир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам-га салавот ва салом йўлламоқнинг фазилати каттадир. Бу ҳақда шундай ҳадис ворид бўлган.

"Бирон киши менга салом йўлласа, Аллоҳ менга руҳимни қайтаради ва мен унинг саломига алик оламан". *Имом Абу довуд.*

Кириш учун рухсат сўрашдан аввал салом бермоқ⁽¹⁾.

Кунларнинг бирида Пайғамбар соллалоҳу алайҳи ва саллам бир саҳобани кўргани, унинг уйига бордилар. Бундан хабар топган Бани Омирлик бир киши, бундай улуғ меҳмон билан бирга суҳбат қурмоқ иштиёқида у ҳам уйга кирмоқни истаб, эшик олдига келди-да: "Кирсам майлими?" - деди.

Пайғамбар соллалоҳу алайҳи ва саллам ходимга: "Чиқиб, бу одамга рухсат сўрамоқ одобини ўргатиб қўйгин! "Ассалому алайкум! Кирсам майлими?-дер экансан дегин!"-дедилар. Эшик олдидаги киши Пайғамбар соллалоҳу алайҳи ва саллам-нинг истеъзон (киришга рухсат сўрамоқ) одобини ҳақидаги ходимга айтган сўзларини эшитиб, ходим келмасданоқ: "Ассаламу алайкум! кирсам майлими?" - деди.

Киришга рухсат сўрамоқни гўзал қилгани, ҳамда сўзини салом ва омонлик билан бошлаганини

¹ "Мусулмонлар бир-бирларига йўлда йўлиққанларидами, ёки уйларига зиёратга борганларидами сўзни каломдан аввал саломдан бошламоқлари лозим, чунки сўзни салом билан бошламоқ ўрталаридаги муҳаббат ва биродарликни давомий бўлиши сабабларидан биридир."

кўргач, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам киришга рухсат бердилар. Бани Омирлик киши уйга кирди ва Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўриб беҳад шод бўлди.

(Имом Абу Довуд)

Жаннатдаги салом⁽¹⁾.

Жаннатда неъматларнинг турли хил кўринишлари бор. Бу неъматларнинг ичида Аллоҳ таолонинг бандаларига саломи энг катта неъмат ва Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло тарафидан буюк фазлу – марҳаматдир. Ривоятларда келишича: Аҳли жаннатлар жаннатга кирганларида, баногоҳ устиларида кўзни қамаштиргудек бир Нур пайдо бўлади. Бошларини кўтариб қарасалар "Ассалому алайкум! Эй жаннат аҳли!"-деб турган Парвардигори Оламини кўрадилар. Аҳли жаннатлар Аллоҳга қараб қоладилар. Аллоҳ ҳам уларга қарайди. Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога қараб турган вақтларида, токи Аллоҳ улардан ғойиб бўлгунига

¹ Салом – яхшилик, барака ва омонликдир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Исломдаги қайси (иш) яхшидир?"-деб сўралганларида; "Таом бермоғинг ва таниган-танимаган (мусулмонларга) салом бермоғинг" -деб жавоб қайтардилар. *Муттафақун алайҳ.*

қадар, жаннатдаги бошқа бирон неъматга юзларини бурмайдилар. Аллоҳ билан пардаланадилар, аммо Унинг нури устиларида қолади.

Имом Ибн Можа ривояти.

Аллоҳ таолонинг ушбу сўзи мана шу ҳақидадир:

﴿ سَلَامٌ قَوْلًا مِّن رَّبِّ رَحِيمٍ ﴾ يس: ٥٨

"(Уларга) Мехрибон Парвардигор томонидан салом айтилур" (*Ёсин; 58*)

Саломнинг давомийлиги⁽¹⁾.

"Ас-Салом" - Аллоҳнинг исмларидан биридир. Аллоҳ таоло саломни ўзаро муҳаббат ва раҳм-шафқат белгиси, аломати қилиб, мусулмон бандалари учун таҳийя (саломлашиш) бўлишига

¹ Салом мусулмонларнинг бу дунёдаги, ҳамда охирада абадий жаннатдаги ўзаро саломларидир. Аллоҳ таоло деди:

﴿ تَحِيَّتُهُمْ يَوْمَ يَلْقَوْنَهُ، سَلَامٌ ﴾ الأحزاب: ٤٤ (Мўминлар Аллоҳга) рўбарў бўладиган кунда уларга (Аллоҳ томонидан йўлланадиган) салом(уларга дўззах азобидан) омонлик тиламоқ бўлур. (*Аҳзоб; 44*)

рози бўлди. Муслмонлар бир-бирларига йўлиққанларида биринчи ўйлайдиган нарсалари ҳам саломдир.

Аллоҳ таоло Одам алайҳис-саломни яратгач унга деди:"Бориб ҳов анави (фаришта)ларга салом бергин-да,улар сенга нима деб жавоб қайтаришларини яхшилаб эшитиб олгин,чунки улар қайтаражак жавоб сенинг ва сендан кейинги зурриётингнинг саломи бўлур." Одам алайҳис-салом бир қанча фаришталар олдига бориб "Ассаламу алайкум"-дедилар.

Фаришталар Одам алайҳис-саломга:" Ва алайкум ассалом ва роҳматуллоҳ"-деб раҳматуллоҳ калимасини зиёда қилиб жавоб қайтардилар.

Имом Бухорий ривояти.

Салом ва олийжаноблик⁽¹⁾.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Саъд ибн Убода розияллоҳу анҳуни кўргани уйига

¹Салом — дўстлик ва софлик гаровидир! Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:"Уч нарса сенга биродарингнинг муҳаббатини софлайди:Йўлиққанда салом бермоғинг,мажлисда унга жой бермоғинг ва ўзи ёқтирган гўзал исми билан чақирмоғингдир!"

Имом Шабароний ривояти.

бордилар. Эшик олдига келиб:Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳ" - дедилар.

Саъд ва ўғли Қайс розияллоҳу анҳумалар ичкарида эдилар. Саъд розияллоҳу анҳума паст овозда алик олди.Табиъийки Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам бунни эшитмадилар.Шунда Қайс розияллоҳу анҳу отасига:"Отажон Расулulloҳнинг киришларига изн бермайсизми?"-деди.

Саъд розияллоҳу анҳу:"Сабр қил болам, Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам саломни бизга кўпроқ йўлласинлар"-деб жавоб берди.

Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам саломни иккинчи бор,учинчи бор қайтардилар.

Саъд розияллоҳу анҳу ҳар гал паст овозда жавоб қайтариб турдилар.Уч бора саломдан сўнг Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам қайтиб кетаётганларида,Саъд розияллоҳу анҳу тезликда Ул Зотга пешвоз чиқиб;" Эй Росулulloҳ! Сизнинг саломингизни эшитиб тургандим,бизга кўпроқ салом йўллашингизни истаб,паст овозда жавоб қайтариб турдим,деб (уйга таклиф қилди).

Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам хонадонга кирдилар.Саъд розияллоҳу анҳу Азиз Меҳмонга иззат-икром кўрсатиб,чин дилдан меҳмон қилдилар.

Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам олийжаноблик кўрсатиб,улуғ саҳоба ҳақларига барака ва раҳматлар тилаб дуо қилдилар.

Имом Абу Давуд ривояти.

Қабр аҳлига салом бермоқ.

Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёллари - Оиша онамиз розияллоҳу анҳонинг ҳужраларида бўлган кечада,тўшакларида ётганларидан бир оздан сўнг, оҳиста туриб чиқиб кетдилар.

Буни сезиб қолган Оиша розияллоҳу анҳо Ул Зотнинг орқаларидан билдирмай эргашдилар. Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Бақеъ қабристонига келиб,узоқ вақт бу ерда туриб қолдилар.

Сўнг икки қўлларини кўтариб уч бора дуо қилдилар.Ҳужраларига қайтмоқларидан илгари,Оиша розияллоҳу анҳо тезлик билан Ул Зотдан аввал келиб, жойларига ётиб олдилар. Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам келганларида,Оиша розияллоҳу анҳодан қаттиқ

бир харсиллаш товушини эшитиб, бунинг сабабини сўрадилар.

Оиша онамиз Ул Зотнинг орқаларидан эргашиб бўлган ҳолатни кўрганларини гапириб бердилар.

Шунда Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Жаброил алайҳис-салом келиб: "Парвардигорингиз Бақеъ аҳлига бориб, уларнинг ҳақларига истиғфор айтмоғингизга амр қилди" - деганлигини айтдилар.

Оиша розияллоҳу анҳо: "Уларнинг ҳақларига қандай истиғфор айтаман" - деб сўраганларида.

"Мўминлардан иборат бўлган - Эй диёр аҳли сизларга салом бўлсин! Биздан аввал ўтганларни ҳам кейин ўтганларни ҳам Аллоҳ раҳмат қилсин. "Биз ҳам Аллоҳ хоҳласа (бир кун) сизларнинг ёнингизга келамиз", деб айтгин! - дедилар Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам. *Имом Муслим ривояти.*

Саломга жавоб қайтармоқ⁽¹⁾.

Кунларнинг бирида Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу масжидда ўтирганларида,

¹ Мусулмон киши йўлиққан мусулмон биродарига салом бермоғи суннат, Саломга алик олиш эса вожибдир

олдиларидан Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу салом бериб ўтдилар.

Усмон розияллоҳу анҳу унга бир қараб қўйдилару, аммо саломга жавоб қайтармадилар.

Ҳайрон Саъд розияллоҳу анҳу бу ҳақида мўминларнинг амири Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуга шикоят қилдилар. Мўминларнинг амири Усмон розияллоҳу анҳуга одам юбордилар.

Зун-Нурин розияллоҳу анҳу келгач:

"Биродарингизни саломига жавоб қайтармоқдан сизни нима тўсди!" - деб сўрадилар.

Усмон розияллоҳу анҳу: "Мен бундай қилмадим!" - дедилар. Ҳайронлиги зиёдалашган Саъд розияллоҳу анҳу: "Ахир шундай қилдингиз-ку!" - дедилар.

Шунда Усмон розияллоҳу анҳу бир дуо билан машғул бўлганларини эслаб, шу дуо вақтида атрофларидаги кишиларни сезмай қолишларини айтиб узр сўрадилар. Бу дуо Аллоҳнинг Пайғамбари Юнус алайҳис-саломни Ҳутнинг қорнида эканликларида қилган муножатлари эди: "Ўзингдан ўзга бирон ҳақ илоҳ йўқ.

Эй Пок Парвардигор, дарҳақиқат, мен (ўз жонимга) жабир қилувчилардан бўлиб қолдим". Шундан сўнг икки биродар гина-кудуратдан холи, соф биродарлик муҳаббати билан тарқалдилар. *Имом Шермизий ривояти.*

Салом бермоқ ва ўриндан турмоқ⁽¹⁾.

Мўминларнинг онаси Оиша розияллоҳу анҳо ҳикоя қиладилар: "Одамлар орасида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга гапиришда, сўзлашда, ўтиришда қизлари Фотима розияллоҳу анҳодан кўра ўхшашроқ одамни кўрмадим.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Фотимани келаётганини кўрсалар, уни кутиб олиш учун ўринларидан туриб, "Хуш келибсиз қизим"-деб пешоналаридан ўпиб кутиб олар, сўнг қўлидан ушлаб эҳтиром билан ўз ўринларига ўтказардилар. Фотима розияллоҳу анҳо ҳам уйларига оталари Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам келганларида, ўрниларидан туриб пешвоз чиқиб "Хуш келибсиз отажон" -деб муборак қўлларидан ўпиб кутиб олардилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот топган касалликларида кўргани келган Фотимани яхши кутиб олиб, ўпиб

¹ Қўлни ушлаб кўришмоқда инсон қалбига катта таъсири бордир. Шунинг учун ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Мукаммал саломлашмоқ - қўл ушлаб кўришмоқдир" деганлар. *Имом Шермизий ривояти.*

бир махфий сўз айтганларида, Фотима розияллоҳу анҳо йиғладилар, кейин яна бир махфий сўз айтганларида кулдилар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этганларидан сўнг, мен Фотимадан шу ҳақда сўраганимда: “ Отам менга тез кунда вафот этишларини айтганларида йиғладим.

Вафот этганларидан сўнг оила аъзолари ичида Ул зотга биринчи йўлиқадиган мен эканимни хабар берганларида кулдим”-деган эдилар. *Имом Бухорий ривояти.*

Ҳадия¹).

Кунларнинг бирида Мадинага Шом вилоятидан икки киши улуғ саҳобий Салмон Форсий розияллоҳу анҳуни излаб келдилар.

Улар саҳобийни топишгач: Шомдаги сизнинг биродарингиз ҳузуридан келдик!-дедилар.

Салмон Форсий: Қайси биродарим экан - у?-дедилар.

¹ Кўп кўп салом айтиш яхшилик ва барақадир, Анас бин Молик розияллоҳу анҳу айган эканлар: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва билан бирга бўлганимизда орамизда дарахт чиқиб, бўлиниб кетсак яна йўлиққанда бир-биримизга салом бераверар эдик. *Имом табарони*

Икки киши: "Биродарингиз Абу Дардо розияллоҳу анҳудир!" - дедилар.

Салмон Форсий: Унда биродаримни менга юборган ҳадияси қаерда? - дедилар.

Икки киши: "Биз билан ҳеч қандай ҳадия юборгани йўқ!" - дедилар.

Салмон Форсий: "Аллоҳдан кўрқинглар! Амонатни ўтанглар!" - дедилар.

Икки киши: Ишонинг бизга бирон нарса бериб юбормади, фақат ушбу сўзларни айтди: "Менинг биродарим шундай инсонки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам у зот билан холи ўтирганларида бошқа бировни истамасдилар.

Биродаримни топсангиз мендан унга салом айтингиз!" - дедилар.

Салмон Форсий: "Ана шудир унинг ҳадияси! Саломдан ҳам яхшироқ ҳадия борми. Аллоҳнинг ҳузуридан муборак ва пок саломдан-а?" - деб қолдилар. *Имом Шабароний ривояти.*

Саҳифаларимиздаги манбаълардан Аллоҳ аzza ва жалла розилиги йўлида бемалол ишлатаверинг, тижорат мақсадида эмас, иқтибос олинган веб сайга ишора қилсангиз.

<http://www.musulmanin.com>